

# QILA DAVRASIDA

Mustahkam oila – yurt tayanchi

№ 6  
(456)  
2021-yil  
11-fevral  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.




«МЕН ЁЛФИЗМАН,  
ОВОЗИМ ЁЛФИЗ...»

Хофиз ва шоир Дадахон Ҳасанов  
«райком»га нега тош отган?

4-бет.

## ҲАЁТ МАЙДОНИ билсанг, асли ўзи КЎПКАРИ!



Хусниддин АҲО олган сурат.

## САЙЛОВЛАР

октябрь ойида ўтказилади



НАВОЙГА  
ЮЗЛАНМОҚ САОДАТИ  
ёхуд «Ҳозирги кунда  
Навой бизга  
нима беради?»

3-бет.

200 абитуриентга  
ПРЕЗИДЕНТ ГРАНТИ  
беради



2-бет.

«Сайлов қонунчилиги  
такомиллаштирилиши муносабати  
билан Ўзбекистон Республикасининг  
айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш  
ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги  
қонун қабул қилинди.

Ўзгартиришга кўра, Президентликка сайлов,  
Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига,  
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига,  
вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти  
вакиллик органларига сайловлар тегишинча улар-  
нинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган  
йилда – октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг бирин-  
чи якшанбасида ўтказилиши белгиланди (*Илгари  
декабрь ойида эди*).

Эслатиб ўтамыз, жорий йилда мамлакатимиз-  
да катта сиёсий воқеа — президентлик сайлови  
бўлиб ўтади.

# «ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИ...»

«**Х**аётимизни бундан ҳам яхшироқ қилишга интиламиз. Янги-янги мақсадлар қилиб, режалар тузамиз. Баъзан бизнинг ўзгаришимиз учун атроф-муҳит, ёнимиздаги одамлар, жамият ҳам масъулдай туюлаверади. Шундан жамият ислоҳи учун фикрлар билдирамиз, таклифлар айтамыз, гоҳида жонимиз ачиганидан мавжуд камчиликларни танқин қилган бўламиз. Жамият ислоҳи учун шу ишлар зарурга ўхшаб кўринади.

Яна бир соҳани тубдан ўзгартиришга бел боғлаб, шартта унинг раҳбари ишдан олинадди. Бошқа бир кишини раҳбарликка кўтариб, катта ишонч ва умидлар билдирилади. Кутилган ўзгаришлардан ном-нишон бўлавермагач, раҳбарни яна ўзгартирамиз. Раҳбар тез-тез ўзгараверади, лекин ислоҳ қилиниши зарур соҳада ҳамма кутган ўзгариш ҳеч кўзга ташланавермайди.

Баъзан яхши ишламаган, ўз вазифасини виждонан адо этмаган, суниестемол қилган раҳбарга нисбатан жиддий чора кўрилади. Шу ишларни кўра-била туриб, эндигина мансабни эгаллаган янги раҳбарнинг ҳоли ҳам деярли шундай яқун топади.

Муаммолар қачон барҳам топади? Халқни қийнаб келаётган мушкул масалалардан қутилиш мумкинми? Нега

шунча саъй-ҳаракатимиз бор, иш бор, аммо натижаларимиз кутилганидек эмас?

Бирон касаллик тарқалса, унинг олдини олиш ё унга қарши курашиш учун тезкорлик билан оммавий тадбирлар амалга оширилади. Бундай ишларда оммавий тадбирларнинг самараси катта. Инсонлар ҳаётини муҳофаза қилиш учун шундай чора-тадбирлар жуда зарур. Оммавий эмлаш, даволаш ва зарарсизлантириш каби чораларсиз бу борада бирон натижага эришиш маҳол.

Аммо гап тафаккурнинг ислоҳи ҳақида кетар экан, аниқ ва манзилли, ҳаққоний амалий ҳаракатларга катта эҳтиёж сезилади.

Болага оламни ўргатиш кичик нарсалар ҳақида ҳижжалаб таълим беришдан бошланади. Минг саҳифали китобни ҳали ҳарф танимайдиган ўқувчи кўлига тутқазиб кўйишдан маъни йўқ, албатта. Бола тафаккуридаги ўзгариш йиллар давомида аста-секинлик билан қарор топади. Режали равишда, тўғри ҳамда ҳаёт учун зарур бўлган назарий ва амалий билим билан кўниктириб бориш асносида бола тафаккурида уйғониш, ўсиш ва юксалиш жараёни бошланади. Бу эса, кутилган барча ислоҳотларнинг бошланғич нуқтасидир. Бундай киши одамзотнинг кўлидан нималардир келишига аниқ ишонади, бошқаларни ҳам ишонтира олади. Энг муҳими, назарий ишончларни, ҳаёлидаги рўёларни рўёбга чиқара олади.

Бир пайтлар дунёнинг нариги бурчагидаги киши билан бир йиллик масофадан туриб (*онлайн тарзда*) юзма-юз гаплашиш бир рўё саналган бўлса, бугун бу жуда оддий – одатий ҳолатга айланиб бўлган. Техник тараққиётнинг чўққисига чиқиб бораётган инсоният бугун кибр, тамагирлик, зўравонлик, босқинчилик, ваҳшийлик каби иллатлар қаршисида ожиз қолаётгандай. Булар чинакам ўзгаришлар, ислоҳотлар

оёғига тушов бўлаётган асосий тўсик бўлиб турибди. Модомики, гап инсон, унинг қалби ва тафаккури ҳақида кетар экан, бунда оммавий тадбирларнинг қанчалик натижа беришини обдон мулоҳаза қилиб кўриш зарур. Миллион нафар онгни бирданига ўзгартиришни тасаввурга сиғдириш қийин. Лекин муайян бир шахс ёки бир неча шахслар тафаккурида ўзгариш ясашга эришиш мумкин. Кун келиб бу шахслар жамиятдаги ҳал қилувчи кучларга айланади.

Ҳазрат Навоий «Эл негиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам...» деган эканлар. Жиддий ва буюк ислоҳотлар учун аввало уни амалга оширадиган янги тафаккур эгалари керак бўлади. Ҳисобот учун ўтказиладиган оммавий тадбирлар ўрнини муайян шахсларга йўналтирилган аниқ ва мақсадли амалий фаолият эгаллаши зарур. Жамиятда аввало шахслар тафаккурида ўзгариш бўлмас экан, оммавий ислоҳотлар ҳақида умид қилиш ўринли бўлмайди. Миллат ва халқ ўз йўлини топиши, ўзлигига қайтиши, ўз ҳаётини, келажакни барпо этиши учун кенг фикрли, узокни кўра оладиган, ўзининг инсонлик мақомини тафаккур қила оладиган шахслар зарур. Акс холда, қилинаётган саъй-ҳаракатлар, амалга оширилаётган ўзгаришлардан кутилган натижага эришиб бўлмайди.

## КРЕДИТДАН КЎПРОҚ «УНДИРИШ» КИМГА КЕРАК?

*ёхуд ипотека кредитларига аннуитет тўловлар тартиби таъбиқ этилиши кимларнинг манфаатига хизмат қилмоқда?*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони ва 2020 йил 1 майдаги 4701-сон қарори билан аҳоли томонидан уй-жойлар сотиб олиш учун ипотека кредитлари ажратишнинг, шунингдек, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўлаб беришнинг янги тартиби белгилаб берилган.

Ушбу фармон ва қарорга кўра, ипотека кредитлари муддатлари 15 йилдан 20 йилгача узайтирилди, бирламчи уй-жой бозорида сотиб олиш учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитларининг энг кўп миқдорлари (352 млн. сўмгача) белгиланди, жисмоний шахсларга ўз ер участкаларида уй-жой қуриш ва қайта қуриш учун ипотека кредитлари ажратишга рухсат берилди.

Энг асосийси, фармон билан айрим фуқароларга, шу жумладан, кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал (*уй нархининг 10 фоизигача*) ва (*ёки*) фоизларнинг бир қисmini қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби жорий этилди.

Шу билан бирга, Фармоннинг 5-бандида Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда ипотека кредитлари бериш концепциясини ва потенциал қарз олувчиларга кўйиладиган талабларни ишлаб чиқиши белгиланган. Шу асосда, Вазирлар Маҳкамасининг



2021 йил 5 февралдаги 56-сон қарори билан Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредити ажратиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Этиборимни тортган нарса, Низомнинг 6-бандида Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига бериладиган ипотека кредитлари бўйича аннуитет тўловлар тартиби таъбиқ этилиши белгиланган.

Бирок, аввалги йилларда банклар томонидан ипотека кредитлари дифференциал тўловлар тартиби асосида тақдим этилгани аҳолига молиявий енгилликлар яратган эди.

Мисол учун, дифференциал тартиб бўйича 20 йил муддатга бериладиган 300 млн. сўмлик ипотека кредитини сўндириш учун жами 834,8 млн. сўм тўланади. Лекин қарз олувчи айни миқдордаги ипотека кредитни аннуитет шаклида олса, бу кредитни қайтариш учун жами 1 млрд. 111,2 млн. сўм (*ёки 276 млн. сўм кўп*) тўлов қилиши лозим бўлади.

Ҳисоб-китоблардан кўришиб турибдики, дифференциал шакли-

да ажратилган кредитга нисбатан аннуитет тартибида ажратилган ипотека кредитини сўндириш 30 фоиздан кўпроқ маблағ талаб этади ҳамда унга ҳисобланган ойлик фоиз тўловлар (*бошида озроқ бўлсада*) юқори бўлишини аниқлатади. Бу эса ўз навбатида аҳолининг ойлик даромадларининг катта қисми кредит тўловлари учун йўналтирилишига ва бошқа зурурий кундалик эҳтиёжлари учун харид қобилияти пасайишига сабаб бўлади.

Эҳтимол, ипотека кредитларини аннуитет тартиби асосида берилиши тижорат банклари учун манфаатли бўлиши мумкин. Балки бу орқали хусусийлаштирилиши режалаштирилаётган давлат улуши бор йирик банкларнинг активлари қийматини, фойдалилик коэффициентини ошириш кўзда тутилгандир? Лекин нима бўлган тақдирда ҳам бу ўз ватанига эга бўлиш орзусида илк бор уй сотиб олаётган оилани «шилиш» ҳисобига амалга оширилмаслиги керак.

**P.S.** Бу масала бўйича Бош вазир ўринбосарига тегишли тартибда депутат сўрови юборилди. Умид қиламизки, мурожаатимизга асосан, мутасадди ташкилотларга низомнинг 6-бандини қайта кўриб чиқиши бўйича топшириқ берилади.

**Дониёр ҒАНИЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати  
[https://t.me/D\\_Ganiyev](https://t.me/D_Ganiyev)

*Давлат тест маркази Тест синовларини ташкил этиши ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Фарҳод Мирзаев ОТМлар бакалавриатида кириш имтиҳонлари юзасидан қатор саволларга жавоб берди.*

200 КИШИГА

## ПРЕЗИДЕНТ ГРАНТИ

Бу йил кириш имтиҳонлари 5 та фандан ўтказилади. Президент қароридан кириш имтиҳонлари 2 та мутахассислик ва 3 та мажбурий фанлардан ўтказилиши белгиланган. Мажбурий фанларга она тили, математика ва Ўзбекистон тарихи қиради.

ДТМ юқори ташкилотларга кириш имтиҳонларида абитуриентларнинг исталганча таълим йўналишларини танлаш имконини бериш тўғрисида таклиф киритган. Агар таклиф қабул қилинса, абитуриентлар ўз фанларига мос 20 ёки 25 та йўналишни танлаши мумкин бўлади.

Кириш имтиҳонларида манتيкий саволлар сони кўпайтирилади. Бундай саволлар математика, тарих, биология, кимё каби фанларда кўп бўлади. Айни пайтда она тили, математика, кимё ва биология фанлари бўйича миллий сертификат олиш учун рўйхатдан ўтказиш ишлари бошланган. Олдиндан имтиҳон топшириб, сертификат олган абитуриентларга улар тўплаган фоиздан келиб чиқиб, кириш имтиҳонида балл берилади.

Абитуриентда 2 та танлов бўлади: хоҳласа, сертификат олишда йиққан балл фоизига қараб тегишли баллга эга бўлиши ёки сертификати бўлса ҳам, ўз хоҳишига кўра имтиҳонда тест ишлаб балл тўплаши мумкин. Мажбурий фанлар блокида жами 45 та савол бўлади ва ҳар бир тўғри жавобга 2,1 балл берилади. Мутахассислик фанлари блокида эса иккита фан бўлади ва битта савол 3,1 балл билан баҳоланади.

Бу йил кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 кишига президент гранти берилиши эълон қилинди. Ишчи гуруҳ максимал балл тўплаган абитуриентлар сони 200 кишидан ошиб кетса, грант эгалари қандай саралаб олинishi бўйича тартибни ишлаб чиқади.

Ҳозирги прогнозга кўра, 1 миллион 615 мингдан ортик абитуриент ҳужжат топшириши кутилмоқда.

# НАВОЙИГА ЮЗЛАНМОҚ САОДАТИ

« Мир Алишер Навоийнинг бебаҳо меросини ўрганиб, унинг чуқур мазмун-моҳиятини тушуниб етганимиз сари алломанинг буюклигини бўй-басти билан англаб бораверамиз. Улуғ мутафаккирнинг мунаввар сиймоси асрлар оша унинг ўлмас асарларида, инсониятни эзгулик, бағрикенглик ва меҳр-мурувватга даъват этувчи умумбашарий ғоялари тимсолида яшайверади.

## Навоий бизга нима беради?

Яқинда ижтимоий тармоқларнинг бирида ғалати баҳснинг гувоҳи бўлдим. Таникли олимларимиздан бирининг «Навоийни боғча ёшидан ўргатишимиз, мактабларда, институтларда Навоий дарсларини ташкил қилишимиз керак», деган фикри кўпчиликти норозилик уйғотибди. «Биттаси боғча ёшидан макомни ўргатиш керак деса, бошқаси Навоийни тикиштиради, бу нимаси?», «Навоийни ўрганиш билан мамлакатни ривожлантиб бўлмайди», «Навоийни катталар тушунмайди-ку, болаларга йўл бўлсин?», «Ёш болаларни бунақа кийин нарсалар билан зўриқтирмаслик керак», «Ҳозирги кунда Навоий бизга нима беради?» қабилидаги изоҳларни ўқиб, очиги, хафсалам пир бўлди.

Нима учун ҳокимлар «тик-ток»чиларни бошига чиқарса индамаймиз, лекин «боғчада Навоийнинг ҳикоятлари ўргатилиши керак» дейилса, айюҳаннос соламиз?

Навоийнинг нимаси болаларга оғирлик қилади? Ҳазрат Навоийда бола тарбиясига оид қанчадан қанча ибратли мушоҳадалар бор? «Ҳайратул-аброр», «Маҳбулбул-кулуб», «Лисонут-тайр»да тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қанча ҳикоят ҳикоятлар бор? Асрлар оша боболаримиз Навоийни ўқиб савод чиқарган, дунёни таниган. Ҳатто бутун умрини Навоий асарларини кўчиришга бағишлаган хатотлар ўтган. Нахотки, бугунга келиб Навоий «ортиқча» бўлиб қолган бўлса?!

Навоийни ўрганиш билан биз ривожланишдан, замондан орқада қолиб кетмаймиз. Аксинча, ҳар жиҳатдан илгари боришни, тараккий этишни, тафаккур билан иш тутишни ўрганамиз. Зотан, ул ҳазратнинг ўзлари ҳам:

...*Ҳар ишқи қилмиш одамизод  
Тафаккур бирла бирлимиш одамизод,*  
— дея лутф қилганлар.

## Буюкликнинг ёрқин ифодаси

Ҳазратнинг ҳар бир асари унинг тенгсиз истеъдод, теран ақл-идрок ва чуқур билим соҳиби эканидан далолат беради. Навоий мумтоз шеърятимизнинг энг йирик намояндаси бўлибгина қолмай, тарих, фалсафа, адабиётшунослик, тилшунослик, фикр сингари соҳаларнинг ҳам билимдони бўлган. Ана шу йўналишларда қимматли асарлар ёзиб қолдирган.

Мамлакатимизда аждодларимиз маънавий меросини чуқур ўрганишга жиддий эътибор қаратилаётир. Хусусан, Алишер Навоий асарларини кенг тарғиб этиш, уларда илгари сурилган эзгулик,

Ватанга, халққа садоқат ғояларини ёш авлод онгига сингдириш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ҳазрат Навоий ёшлар тарбияси, уларнинг ҳар тарафлама камолоти масаласига тез-тез мурожаат этган. Бу борада Навоий ижодининг юксак чўққиси ҳисобланган «Хамса» мажмуаси айниқса муҳим ўрин тутди.

Таъкидлаш жоизки, «Хамса»дек буюк асарни дунёга келтириш бахти ўтмишда камдан-кам шоирга насиб этган. Навоийга қадар фақат Низомий Ганжавий, Хисрав Дехлавий ва Абдураҳмон Жомийгина ана шу мушкул ва машаққатли ишни удалай олганлар. Навоий бобомиз эса, илк бор туркий тилда «Хамса» яратиб, тилимизнинг беқиёс имкониятларини, нафосатини кенг намойён эта олган.

Навоий «Хамса»сининг аввалгилардан фарқи фақат унинг туркий тилда яратилганида эмас. Навоий ўз «Хамса»сини янгича қарашлар, ғоялар, фикрлар билан бойитган, унинг қаҳрамонлари халқ қалбига, орзу истаклари, армонларига ҳамоҳанглиги билан алоҳида ажралиб туради.

## Ўзига хослиги нимада?

«Фарҳод ва Ширин» достонини олайлик. Унда Фарҳод шахзода, тахт вориси бўлишига қарамай, ёшлигидан илм ва ҳунар ўрганишга астойдил қизиқади. У адолатпарвар, оқил ва мулоҳазакор йигит бўлиб вояга етади. Ширин эса, ибодати, андишали ва садоқатли Шарқ аёли сиймосини ўзида мужассам этган. Ҳолбуки, аввалги ҳамсанавис шоирлар Ширинни ўта такаббур ва тантиқ малика, шоҳ Хисравнинг эрка хотини сифатида тасвирлашган. Фарҳод эса, уларда иккинчи даражали қаҳрамон сифатида тилга олиб ўтилган.

Низомий, Дехлавий ва Жомий достонларида Искандар бешафқат, қаттиққўл саркарда сифатида гавдалантирилган. Навоий эса, «Садди Искандарий»да тарихда ўтган қаттол ҳукмдорни эмас, унинг сиймосидаги одил ва оқил давлат раҳбарини акс эттирган.

Навоийнинг Искандари қайси юртни қўлга киритса, шу ерда адолат ўрнатади. Унинг адлу инсофидан чўлу биёбон ҳам боғу бўстонга айланади. «...Ямонлардин офокни пок этиб, вале яхшиларни тарабнок этиб», эл-улусни ўзидан рози қилишга интилади.

Навоий «Хамса»си бугунги кунда ҳам ёш авлод тарбиясида жуда катта аҳамиятга эга. Хусусан, «Ҳайратул-аброр» достониде инсонни камолот сари етакловчи эзгу хислатлар тараннум этилиб, тубанликка бошловчи

нуксон ва камчиликлар аёвсиз фош этилади.

Достондаги ота-онага ҳурмат, рост-гўйлик, сабр-қаноат, қарам ва саховат, камтарлик ҳақидаги фикрларни эсга олинг. Шунингдек, шоир ёшликнинг ғанимат экани, унинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланиш лозимлигини бот-бот таъкидлайди. Қанийди, биз ана шу эзгу қарашларни бугунги ёшларимиз онгига тўла-тўқис сингдира олсак.

## Навоий ва ёшлар масаласи

Эътибор беринг-а, асар қаҳрамонларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Фарҳод ёки Қайси оламизми, Ширин ёки Лайлими, барчасида ёшликнинг бемисл таровати, ғайрату шижоати мужассам. Улар нафақат ишқ-муҳаббат, балки, вафо ва садоқат, ҳаё ва андиша, адаб ва икром бобида ҳам намуна бўла олади.

Кейинги пайтда асл ўзбекона кадриятларга бирмунча зид тушунчалар, ғарбона турмуш тарзи ёшларимиз маънавиятига ўз таъсирини кўрсатаётгани кишини ўйлантиради. Айниқса, ижтимоий тармоқлар, «Инстаграм», «Тик-Ток», «Телеграм»даги «замонавий имкониятлар» сабабли, йигит-қизларимизнинг севги, муҳаббат ҳақидаги тушунчалари ўта ғариблашиб, сийқалашиб бораётгани ғоятда ачинарлидир.



Лайли ва Мажнуннинг соф муҳаббатини эсга олайлик. Уларни бир-биридан жудо этиш учун ҳар иккисининг тақдирини бошқалар билан боғламоқчи бўлишади. Лекин сўнгги дамлардагина қисмат уларга йўл очади. Иккиси ҳам ўз гўшангасидан қочиб чиқишга муваффақ бўлади. Улар ярим тунда кимсасиз саҳрода учрашади. Ниҳоят, узок айрилиқдан сўнг икки ошиқ юрак туташади.

...*Ҳар ишқи ўтуб ҳалокликдин,  
Айру эмас эрди покликдин.*

*Ишқ аҳли бу навъ бўлсалар пок,  
Гар васл муаббад ўлса не бок?*

*Ошиққи муроди ком бўлғай,  
Ошиқлик анга ҳаром бўлғай.*

Уларнинг муҳаббати бачкана, тубан ҳислардан холи эди. Шу боис висол онлари ҳам покликдан айро бўлмади. Чунки пок муҳаббат билан эришилган висол абадий давом этади. Ҳавоий нафсига эргашган ошиқни ошиқ деб

бўлмайди. Навоий бобомиз илгари сурган бу фикрларни, афсуски, аксарият ёшларимиз тушунишга ожизлик қилади.

Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсона Навоийгача мавжуд эди. Бирок, ҳазрат Навоий бу афсонага айрича руҳ бағишлади. Бағоят гўзал бир ишқ достонини дунёга келтирди. Навоий бу достонни битар экан, ўзи ҳам қаҳрамонлар дарди билан яшади, улар билан бирга кайғурди, куйиб-ёнди.

*Сўгин нечаким узоттим охир,  
Йиғлай-йиғлай туготтим охир,* - дейди шоир асар ниҳоясида.

Дарҳақиқат, бу асар кўплаб олим ва мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлган. Бундан бир неча йил илгари хорижлик машҳур шарқшунос Николай Конрад достон ҳақида катта минбардан туриб гапираркан, кўзига ёш олиб, «Мен ана шундай буюк шоирни етиштирган ўзбек халқи олдида ер ўпиб, таъзим қиламан», — деган эди.

## Навоий ва... иқлим ўзгаришлари

«Сабаъи сайёр» достонидеги рангин хикояларда ана шундай умрбоқий, ўлмас кадриятлар улугланади. Баҳромнинг фожиаси ҳам ғоят таъсирчан тарзда баён этилади.

Овга чиққан шоҳ аввалига ўз навкарлари билан катта базму жамшид тузади.

Кейин эса, маст-аласт оломон чангалзорга кириб, жониворларга қирон келтира бошлади. Алал-оқибат, Баҳромни бутун аёнлари билан ер ютади. Навоий бу манзара орқали ғафлат, маишатбозлик, кайфу сафо, зулм ва ситамнинг аянчли оқибатини кўрсатиб берган. Балки улуг шоир беш аср аввал экологик танглик, глобал исиш, иқлим ўзгаришлари каби асрий офатларни кўра олгандир?

Муаллиф асар сўнгиде тушига шоҳ Баҳром кирганини ёзади. Шоҳ ширинга ўз миннатдорчилигини билдириб, «Сенинг шоҳинг, яъни Ҳусайн Бойқарога ҳам менинг қисматим ибрат бўлсин, майпарастлик, айш-ишратга мойиллик

ҳеч қачон яхшилик келтирмайди», деган фикрни билдиради. Ҳазрат Навоий шу тариқа ўз дўсти, мамлакат ҳукмдорини адлу инсофга қақирган.

«Хамса»ни ўқиш асносида, унинг муаллифи қанчалар ўтқир ва теран ақл соҳиби бўлганидан ҳайратга тушамиз. Навоий бу йирик асарни қисқа муддат ичида битирган бўлса-да, уни ёзишга пухта тайёргарлик кўргани, жуда кўп маълумотлар тўплаганини яққол кўриш мумкин.

Бундан бир неча йил аввал Хитойда бўлганимда мезбонлар бизни қадимий буюк Хитой девори бўйлаб саёҳатга олиб чиқишганди. Гид бизга бу йирик обиданинг қурилиш тарихи ҳақида сўзлаб берди. Не ажабки, умрида Хитойга қадам босмаган улуг шоир «Садди Искандарий» достониде бу машҳур иншоотнинг қурилишини айнан ана шундай тасвирлаб берган эди. Ҳа, Навоий даҳосининг буюклиги ҳам ана шунда.

Рустам ЖАББОРОВ

«Жаҳон маданияти мусиқа саънати тарихида жуда кўп улуг бахшилар, шоирлар ўтган. Лекин бутун умр – муттасил бир халқнинг аччиқ тақдирини, қувончу аламини Дадахон Ҳасанчалик куйлаган шоир – ҳофиз йўқдир дунёда», – деган эди халқ шоири Рауф Парфи. Дарҳақиқат, Дадахон Ҳасанов сўзга ипак кийдирди, ажойиб кўшиқлар яратди. Санъаткор яратган ўнлаб кўшиқлар кўп асрлик мусиқий меросимиз хазинасидан муносиб жой олди. Дадахон Ҳасан 1993

йилда Аҳмад Ясавий номли халқаро мукофотга сазовор бўлган. У яратган шеър ва кўшиқлар XX асрнинг, Туркистон халқининг овозига, дарди-га айланди. Ҳофизнинг ўзига хос адабий мероси мавжуд. Аслида, мингдан ортиқ шеърлари «Шайдо кўнглим», «Шоҳимардон сойлари», «Чаманимдан айирма», «Баҳор келар боғларга» китобларида жамланган.

Сизга ёд бўлиб кетган, деярли ҳар куни хиргойи қиладиган кўшиқларингиз кўпи аслида Дадахон Ҳасан яратган ашулалар эканини билмаслигингиз ҳам мумкин эҳтимол. Ёшу кекса санъаткорлар бирдек ижро этадиган «Меҳмонинг бўлай», «Лайло», «Андижон томонларда», «Лабларинг», «Оқ қайин», «Менинг отамни кўрмадингизми», «Ёрдан шикоят айланган», «Хумор кўзлар», «Мени севган ёримнинг ой жамоли бор» каби ўнлаб кўшиқларнинг илк ижрочиси Дадахон Ҳасанов бўлади.

Келинг, яхшиси ҳаммасини ҳофизнинг ўзидан эшитайлик.

### Санъатга илк қадам ёхуд йўқотилган болалик

— Туғилганим тўғрисидаги гувоҳномада ёзилишича, мен 1940 йил 15 март куни Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги Арабтепа қишлоғида туғилган эканман. Орадан ўн тўрт ой ўтгач уруш бошланган. Дадам Шокиржон Ҳасанов қарийб қирқ ёшга яқинлашганига қарамасдан 1942 йил май ойида урушга олиб кетилган ва... 1943 йил 15 март куни Русиянинг Великий Новгород вилояти Залучи туманидаги Шотова қишлоғида, фашист босқинчиларига қарши жангларда ҳалок бўлган.

Онамга «Отам қани?», деб кўп хархаша қилаверганим учун, «Дадангни урушга райком Шодиев жўнатиб юборган», деб жавоб берганлари эсимда. Ўша-ўша райкомнинг «Виллис» машинаси кўчамиздан ўтганида унга қарата тош отадиган бўлганман.

Уруш йилларида оч-ночор, ғариб бир аҳволда кун кечирганимиз хануз эсимда. 1947 йил кишида мен, етти яшар бола колхоз даласида кўсак терар эдим. Кун бўйи терган кўсагим пулига ўша кун кечроқ туман марказига бориб бир дона қора бўлка нон олиб келардим ва музлаб қолган қора нонни сандалга қўйиб иситиб, тановул қилардик. Мен ўша қора буханка нонни олиб келгунимча уйимдагилар оч-ночор, туз тотмай кутиб ўтиришарди. Жўхори унининг хаамири ёйилмас, уни думалоқ холида тандирга ёпардик. 1950 йилларга қадар муман бугдой нон бўлмаган, фақат макка унидан қилинган нон ва музлаган бўлка еганмиз...

Қишлоғимиздаги ўрта мактабни 1959 йил битириб, пойтахтга университетга ўқишга топширдим. Аммо ўзбек тили ва адабиёти фанидан иншони тўғри ёза билмаганим боис хужжатларимни қайтариб олдим. Ўшанда адабиётдан иншони кейинчалик шоир бўлиб танилган Омон Мухтор билан бир партада ўтириб ёзган эдим. Келгуси йил ҳам юқоридаги нохуш ҳолат такрорланди. Бу сафар мен биринчи кириш имтиҳони бўлган адабиётдан иншони Эгамназар Худайназар исмли йигит билан бир партада ўтириб ёзганман. Ўша кун биздан Саида опа Нарзуллаева имтиҳон олган эди. Опа олдимда ўтириб, менинг ёнимдаги Эгамназар иншосини ўқитувчиларга энг яхши ёзилган, деб мактагани эсимда. Яна «Йиқилганимдан» сўнг мен ҳам шундай иншо ёзаман, дея ахд қилдим.

1961 йилда қаттиқ тайёргарлик кўрганим эвазига кириш имтиҳонларидан муваффақият билан ўтиб аттестация кўригиди



деканимиз Лазиз Қаюмовнинг тавсияси билан журналистика факультетининг кундузги бўлимида ўқиш шарафига муяссар бўлдим. Талабалик давримда Чўлпон, Абдулла Қодирий, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориф ва Рауф Парфиларни танидим. Шоир дўстларимнинг ўзимга ёққан шеърларини кўшиқ қилиб куйлай бошладим. Абдулла Ориповнинг «Тўлғаниб гул очилур боғларни гулзор этгали», Рауф Парфининг «Лайло» шеърини кўшиқ қилдим.



Дўстлар даврасида.

### Поездни тўхтатган «Лайло»

Бир кун вокзалда бир мухлисим келиб, «Ака, «Лайло» кўшигингизни бир марта жонли айтиб беринг. Бир маза қилиб эшитайлик», – деб илтимос қилиб туриб олди. Энди-энди танилаётган санъаткор учун мухлиснинг илтимоси катта гап, шу боис мен ҳам торни олдимда, баланд овозда кўшиқни бошладим. Айни ўша пайт поезд келиб қолса денг. Бир пайт поезддаги йўловчиларнинг ҳаммаси тушиб, кўшиқни марок билан тинглай бошлади. «Айтинг, айтинг...» дейишарди. Поезд кетиши керак, лекин йўловчилар йўқ, ҳаммаси пастда! Ҳатто машинистлар ҳам шу ерда кўшиқ тинглашарди. «Лайло»ни ўша ерда камида ўн марта айттиришган. Поезд эса 30-40 дақиқа тўхтаб турган... Мана шу «Лайло» кўшиғи 30 йилга яқин радио-телевидениедан тушмади.

# МЕН ЁЛҒИЗ МАН, ОВОЗИМ

## Халқимиз севган, соғинган ҳофиз ва шоир Дадахон Ҳасанов бугунги саҳифамиз меҳмони

туғилгандек эдим. Катта-катта ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар бўларди, газета ва журналлар таҳририятига борардик. Бу жараёнда адабиёт, бадиият дунёсига қандай кириб қолганингни ўзинг ҳам билмай қолар экансан киши. Мен ўша пайтда Ўзбекистонда таникли бўлган Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби шоирлар билан бирга ўқиганман. Сафар Барноев, Омон Мухтор, Шукур Холмирозев каби ёзувчилар билан бир пайтда таҳсил олганмиз. Ёдимда, ўша йилларда Шукур Холмирозевнинг «Оқ отли» қиссаси эълон қилинган ва анча машҳур бўлиб кетган эди.

### Эркин Воҳидовнинг «Оқ йўл»и

Шу каби қизиқ воқеалар кўп. Бир кун навоийлик мухлисим хат ёзибди. Мана ўша хат:

«Сафар Кенжа деган тоғамиз бор. У кишининг аёллари, яъни раҳматли янгамиз Дадахон Ҳасаннинг маҳорат билан ижро этган «Менинг отамни кўрмадингизми?» кўшиғини эшитса юм-юм йиғларди. Ўзлари кўшни қишлоқда туришса ҳам атайлаб шу кўшиқ ёзилган пластинкани эшитгани бизникига келарди. Кўшиқ янграши билан пикиллаб йиғлашга тушар эди. Янгамнинг ҳам оталари урушга кетиб қайтмаган экан. Шу кўшиқ баҳона бедарак кетган отасини хотирлаб, юрагини бўшатиб олар экан. Хонандани ғойибона дуо қилиб, бир кун отасининг ана шу кўшиқ туфайли қайтиб келишига ишониб яшади, бечора янгам...»

Менда дастлаб шеърятга меҳр уйғонган. Эллагинчи йиллар охири эди. Бир кун тасодифан қўлимга ўзбек адабиёти хрестоматияси тушиб қолди. Унда Алишер Навоий, Атоий, Саккокий, Бобораҳим Машраб каби шоирлар ижодидан намуналар берилган. Дастлаб шу китобни ўқиб адабиётга, шеърятга ишқим тушди. Шундан сўнг Саъдий Шерозий, Рудакий асарларини ўқидим. Буни қарангки улардан илҳомланиб ўзим ҳам шеър ёза бошладим. Биринчи шеъримни 1959 йилда ёзганман. Бу шеър «Онамга» деб номланиб, ўша пайтда туман газетасида босилиб чиқди. Орадан тўрт йил ўтиб, марказий нашрлардан бири «Севгилим» деган машқимни эълон қилди. Бу шеър қандай ёзилган бўлса, шундай босилган, бирор жойига қалам теккизилмаган.

### Талабалик даврим менинг...

Шундай қилиб, 1961-1966 йилларда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олдим. Биз ўқиётган пайтга келиб, филология факультетидан журналистика ажралиб чиққан эди ва биз шу янги факультетга ўтказилдик.

Университет мен учун ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлди. Бу ерда гўёки қайта

Ўқишга қираман деб келиб, киролмай юрган кезларимда Олтиариқдаги Ҳамдам Юсупов деган шифокор акамиз «Эркин ака Воҳидов бизнинг қариндош бўлади. Шу кишининг уйига боринг», – деб Эркин аканинг уй манзилни берувди. «Қайдасан, Тошкент», дея Эркин Воҳидовни излаб, уйларига борганман. Худди эски танишлардек яхши кутиб олгандилар. Арзимни айтганман. Шундан кейин Эркин ака менга кўп ёрдам берган. Ўқишга киришимда ҳам қўллаб юборганлар. Шеърларимни бир неча бор кўриб, ўша вақтдаги «Ёш ленинчи» газетасида менга оқ йўл тилаганлар. 1969 йилда «Шайдо кўнглим» шеърини тўплашим чиққан. Гапнинг индалосини айтганда Эркин Воҳидов оқ фотиҳасини олган, Рауф Парфи ва Абдулла Орипов билан дўстлашган Дадахон Ҳасан шоир бўлмаслиги сира ҳам мумкин эмас эди-да! (қулиб)


### «Кўшиқ куйлаган киши ҳеч қачон қармайди»

Ёлғизлик бир жиҳатдан эркинлиги билан марокли, яъни ўзинг ўзинга бек, ўзинг ўзинга хон. Истаганингча хаёл сураган дунёнинг нарисидан кириб, берисидан чиқасан. Лекин ёмон томони ҳам бор. Танҳоликда одам кўркиб, ич-ичидан чўчиши мумкин. Асабийлашсам кўшиқ айтаман ва шу орқали дардларимни ёзаман. Баъзан кўшиқларимни эшитганлар раҳматлар айтишади. Менга шунинг ўзи кифоя. Гоҳо мухлисларим телефон қилишиб «Кўшиқ айтишни тўхтатманг!» дейишади, янги альбомлар сўрашади. Қаридим, десам кўнглимни кўтариб, «Кўшиқ куйлаган киши ҳеч қачон қармайди», дейишади. Шу гапга ишонгим келади.

Мени яхши кўрувчи мухлисларимни улардан кўпроқ мен яхши кўраман. Халқимни яхши кўраман. Камтарона санъатимни эътироф қилиб, овозимни хушлаган бўлсалар, мендан бахтли одам йўқ. Шу кунгача мени қўллаб турган халқимнинг мухлисларимнинг бориға шукр.

Азизбек АБДУМАЛИК  
ёзиб олди.

# «Наманганмахсусувпудрат» масъулияти чекланган жамияти жамоаси



**Кўп миллатли халқимизни  
яқинлашиб келаётган  
14 февраль – буюк шоир  
ва давлат арбоби  
Заҳириддин Муҳаммад Бобур  
таваллудининг 538 йиллиги  
муносабати билан самимий  
муборакбод этади!**

**Мирзо Бобур қаламига мансуб  
«Бобурнома» қомусий асари  
дунё тамаддунида  
«Шарқ Цезарининг шарҳлари»  
деган юксак баҳо олган.  
Улуғ ва назокатли сўз сеҳргари  
асарларида миллий ва  
умуминсоний ғоялар  
тараннум этилган.**



*Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг?  
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиг!  
Гар замонни нафй қилсам, айб қилма, эй рафиқ,  
Кўрмадим ҳаргиз, нетай, бу замондин яхшилиг!  
Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглума  
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиг.  
Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп,  
Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ямондин яхшилиг?  
Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ –  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг!*

**Барчага қутлуғ сана муборак бўлсин!**

# «ФАЛОКАТ»

Бу воқеа куппа-кундузи – шундоққина кўз ўнгимда рўй берди...

Серқатнов йўл бўйидаги бекатда эл қатори автобус кутиб тургандим. Ўртадаги ўриндиққа яسانيб олган ўта замонавий кийинган, қош-кўзлари келишган кўхликкина жувон гоҳ кўзгуга қараб лабини бўяр, гоҳ телефонда суҳбатлашар, лекин тинмай тортқиланаётган уч-тўрт ёшлар чамасидаги ўғилчасининг шўхликларига парво ҳам қилмасди.

Аксинча, тез-тез унга «Ўчир овозингни, зумраша! Гаплашишга халакит бераяпсан!» дея дўк уриб кўярди. Болакай эса танбех эшитгани сайин баттар талтаяр, бекатнинг у бошидан бу бошига югурар, одамлар оёғи остида ўралашиб, ғашга тегарди.

Бир маҳал у кўчанинг нариги тарафига қаради-ю, бирдан кувониб кетди. «Ойи, қаранг, карусель! Ур-ра-а, мен каруселда учаман!» дея шодон кийкирганча, ўша томонга талпинди.

Айни лаҳзада сал наридаги чорраҳага ўрнатилган светорфорнинг кўк чироғи ёниб, тўрт қаторга тизилган катта-кичик машиналар бирваракайига ҳаракатга келганди. Аммо аллақачон автобус тўхтайдиган майдончадан ўтган болакай хавф-хатарни ҳис этмай, йўлнинг қатнов қисмига қадам кўйганди. Бу ҳолатни кўриб аёл кўзлари кинидан чиққудек бўлиб, «Қайт, Зоҳиджон! Ор-



тинга қайт!» дея жон алфозда кичкириб юборди. Ўрнидан сапчиб тураётганида кўлидаги телефон бир четга учиб тушди. Басма-басига чор тарафни машиналарнинг безовта сигнали-ю ғилдиракларнинг ғийқиллаган товушлари тутиб кетди.

Ана шундай қалтис дамда қорамағиздан келган ёшгина озғин йигит ниҳоятда хуш-

ёрлик кўрсатди. Чап кўлини баланд кўтариб, бекатга шитоб билан яқинлашаётган машиналарга «Тўхтанг!» ишорасини қилди-да, боланинг орқасидан югурди. Беш-олти хатлаб унга етгач, икки кўлтигидан даст кўтарди. Сўнгра дархол ортига қайтиб, йўл четига олиб чиқди. Аммо охири дақиқада ўзи чуқурга

қоқилиб, юз тубан йиқилди. Худди шу пайт сал нарида бир томонга қийшайиб тўхтаган оқ «Нексия»дан кексарок киши отилиб тушиб, унга ўрнидан туришига кўмаклаша бошлади.

Аёл эса аввалига югуриб бориб, бир четда ҳамон ҳеч нарсаи англамай, ҳайрон бўлиб турган ўғлини бағрига босди. Кейин кўкқисдан жажл отига миниб, важоҳат билан ҳайдовчига хезланди.

– Ҳов, аҳмоқ! – деди унинг ёқасидан маҳкам тутамлаб. – Оз бўлмаса, боламни босиб кетай дединг-ку, ифлос! Кўзингга қараб ҳайдасанг, ўласанми, эш-шак!

– Ўзинг-чи? – Ҳайдовчи ҳам бўш келмади. – Нега болангга қарамайсан? – деди бўғриқиб. Ёқасини аёлнинг чангалидан зўр бериб ажратаркан, кўшимча қилди. – Мен қоида бўйича белгиланган тезликда ҳаракатланаётгандим...

– Мен ҳозир сен безбетга қоида билан тезлик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! – Аёл унинг сўзини чўрт кесди-да, кутилмаганда юзига устма-уст шапалоқ тортиб юборди. Буям етмагандай, қарғишга зўр берди. – Хе, башаранг кўрсин, оғзингдан қонинг келсин, овсар. Илоё, аварияга учраб, машинанг билан қўшмозор бўл, хезалак!

Мен оғзидан боди ки-

риб-шоди чиқаётган аёлнинг шаллакилигига чидай олмадим.

– Ў-ў, синглим, – дедим уни инсофга чақириб. – Телефон билан андармон бўлиб, ўйинқароқ ўғлингизни буткул унутганингиз рост-ку. Нега энди ўз айбингизни бировга ағдаряпсиз? Нега отангиз тенги одамни сансираб, ҳақорат қиляпсиз?

– Э, ўчир овозингни! – Жувон менга юзланиб, илондек вишиллади. – Ўргилдим сендақа қозидан... Аслида ҳамманг бир гўрсан! – Кейин ўғлининг қўлидан силтаб тортиди. – Қани, кетдик, юр бу ёққа, жинқарча...

У боласини фалокатдан қутқарган йигитга раҳмат айтиш тугул қиё ҳам бокмади. Ўғлини судраб бориб, сал нарида турган таксига қарғана-қарғана ўтирди-да, хайр-маъзурни насия қилиб жўнаворди.

Мен йиқилганида қаттиқ лаг емадимикин деган хавотирда ёғоч ўриндиқда нафас ростлаётган йигитга ўгирилдим. Ажаб, у тобора узоқлашиб бораётган такси ортидан маъюс боқиб, бошини сарак-сарак қимирлатар, адашмасам, ичини нимадир тимдалар, кекса ҳайдовчи эса унинг пешонасидан оқаётган қонни артиш билан овора эди...

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

## ТРАКТОРНИ КЎТАРГАН ЭЧКИЭМАР (Бўлган воқеа)

Кўкламнинг ўрталари. Қуёш олов пуркайди. Қум аралаш келаётган гаримсел кўз очирмайди. Ҳайҳотдай Қизилқум саҳросининг чек-чегараси, адоғи йўқдай гўё. Чўл бағрини тасмадек кесиб ўтган бу йўлни унча ҳам текис деб бўлмайди. Бироқ шундай бўлсада, бу йўлдан онда-сонда турли русумдаги техникалар ўтиб туради.

Жонузоқнинг нияти кун оғмай туриб Учтепа деган овулга етиб олиш эди. Шу мақсадда апил-тапил тракторини ўт олдириди. Кўп ўтмай кўнғизсимон эски «Беларусь» экскаватори йўлдан жадал юриб кетди. Оралиқ масофа хийла узоқ бўлгани учун кўшиқни варанглатиб кўйди.

Чор атроф бор бўйича бийдай, адоқсиз Қизилқум саҳросидан иборат. Бирор жонзот кўзга чалинмайди. Баъзан сел келиб, сув ўйиб кетган катта-кичик жар, ўралар кўзга ташланади. Осмон фалакда уч-тўртта оккуюрқ-қалхат «кур-кур»лашиб қанот қоқади. Жонузоқ тракторини ўт олдирган маҳалдаёқ экскаватор чўмичи бир силкиниб кетган, «нима бўлса ҳам ишқилиб чўмич узилиб кетмаса бўлгани», деган хавотирда эди...



Бошида офтобдан куйиб кетаётган похол шляпа, эғнида махсус кийим бош, оёғида кийилавериш тит-пити чиқиб кетган боғичли иш ботинкаси. У қуёш нурларидан кўзини қисиб атрофга суқланиб қараб қўяди. Аслида Жонузоқ саҳро ичкарасидаги мўъжазгина овулда умргузаронлик қилади. Ўн йилдан буён совхозда механизатор. Турмушидан, кўрган кунидан нолимайди. Ахир унинг кўраси тўла қорамол, кўй-кўзи бўлса. Аёли қишлоқ врачлик пунктида ҳамшира, фарзандлари мактабга қатнайди. Топгани тирикчиликка етиб турибди. У мана шу йўлдан ҳафтасига икки-уч маротаба ўтади. Хуллас, чўл кезавериб, бу бош нималарни кўрмади. Ҳатто, бир гал шаҳардан «маёвка» қилиш мақсадида келган кўноқлар кичикроқ келадиган эчкиэмар

боласи оғзига шишадан ароқ қуяётганини ҳам кўрган. Очиғи, ўшанда чидаб тура олмаган. Дархол кабинадан пастга сакраб, меҳмонлар ёнига бориб, уларнинг бу қилиғи худого ҳам, бандасига ҳам маъқул келмаслигини зўр бериб уқтирганди. Сочлари узун, оғзида сакич чайнаётган йигитчалар ҳеч нарса демади-ю, «ишимизга аралашиб нима

қиласан, сен  
нодон»  
маъ-

нода таънали қараб қўйишди. Бошқа сафар эса «КамАЗ» ҳайдовчисининг эчкиэмарга сигарет «чектирганига» гувоҳ бўлди. Бечора тилсиз, забонсиз махлуқ шу-шу ҳар қандай техника у яшаётган манзилга яқинлашиши ҳамон унга умидвор ва илтижоли қарайдиган бўлди. Шу воқеа сабабми, Жонузоқни чўл жониворларининг абгор, ночор қисмати адоқсиз кўрқувга соларди...

Буни қаранг, Жонузоқни кўрқитган, ходиса айнан ўша кунни рўй берди. Воқеа эса бундай бўлган эди. Ўша кунни шамол эсиб турар, чор-атроф бир-бирдан чиройли, анвойи чўл чечакларига бурканган эди. Ёнбағирлардаги майсалар эрталаб ёғиб ўтган ёмғирдан яшнаб кетганди. Сал нарида катта тишларини дам-бадам кўрсатиб кавшанаётган баҳайбат нортуя

бошчилигидаги уюр лўкиллаганича насибасини чимдиб юрарди. Жонузоқ тракторни йўл четига тўхтатиб кабинадан пастга сакради. Атрофга бироз қараб қолди. Кейин эчки терисидан тайёрланган идишдан шибат куйиб симирди. Муздек ичимликдан танаси яйради. Моторни ўт олдириб, тракторни секин ҳайдаб кетди. Икки юз метрча юрган ҳам эдики, шундоққина олдидан чопиб келаётган эчкиэмарга нигоҳи қадалди. Жонивор кела солиб ўзини қудратли техника остига отди. Жонузоқ тракторни зўрға тўхтатиб қолди. Бир маҳал эчкиэмар кутилмаганда пуфакдек шишиб кетса бўладими?! Энг қизиғи, у салкам уч тоннача келадиган «Беларусь»ни маълум вақтгача кўтариб турди. Техника силтаниб сал бўлмаса, ағдирилишига бир баҳя қолди. Кейин маълум бўлдики, эчкиэмар кимлардир ўлдирган болалари аламига чидай олмасдан шундай қалтис ҳаракатни қилган эди. Аслида ғам-алам шундай хаддан ошган онларда эчкиэмар гоҳ ўзини у ёққа, гоҳ бу ёққа уриб аламидан чиқар экан...

Бемаҳалда тушган ёмғир томчилари улкан харсангтошни ҳўл қилганидай, улкан эчкиэмарнинг кўзидан тўкилган ёшлари манглайини ювиб тушарди. Эҳтимол, она табиат эчкиэмарнинг кўнглига болаларидан айрилиб, бўзлаб қолганда шу тadbирни қўллашни раво кўргандир. Яна ким билади дейсиз. Жонивор бироздан кейин билтангланганича қалин ўсган шувок, явшанлар орасига кириб кетди. Одамнинг белидан йўғон, узунлиги нақд икки метрға етадиган, думи бир қулочдан ортиқ махлуқ учун кўз очгандан бери азиз бўлиб қолган ерини ташлаб кетиш азоб эди.

Улғубек ЖУМАЕВ

# ЭРКАКЛИК ОР-НОМУСИ

Бу фазилатнинг оёқости қилинмаслиги учун  
аслида ким масъул?

« Оила ва жамиятда доимо эркак кишининг роли устивор ҳисоблаб келинган. Камгаплик ва дангаллик, ғурур ва ориятни ҳамиша ҳар нарсадан устун қўйиш эркак мавқеини баланд тутиб турган. Керакли вақтда зарур гапни сўзлаб, мижғовлик ва майдалашишлардан ўзимизни тийишимиз, салобатимизни таъминлаб турувчи жиддийликдан йироқлашмаслигимиз ҳам катта фазилатлардан дея эътироф этилади.

Йигит кишининг ўзига ортиқча эътибор қаратиб, безаниши ҳамда тухмат ва бўхтон гаплар билан йиғилиб олиб ғийбатлашиши эса ҳеч қачон ярашмаган. Бордию шундай ҳаракатларнинг бир-бирига қайсидир йигитда кўпроқ кузатиладиган бўлса, атрофидаги бошқа эркаклар, айтилик отаси, ака-укалари ёки ўртоқлари томонидан тўғри тушунтиришлар билан тартибга қақирилган. Энди эса айрим оталар ўғлига, йигитлар ака-укаси, ўртоқларининг юриш-туришига юқорида айтганимиздек қизиқиш, жавобгарлик ҳисси билан

карамай қўйдими ёки қанчалик танбех берилмаётган бўлса-да қулоқ солмай қўл силтайдиганлар кўпайиб кетдими? Менимча, иккинчиси ҳақиқатга яқинроқ. Табиийки, ҳар куни турли одамлар билан мулоқот қилиб, турли воқеликларнинг гувоҳи бўламиз. Авваллари сарик, малла, шоколад рангга сунъий бўялган, куйдирилган, елгага тушадиган узун сочли йигитларни кўрсак бирон ажнабий бўлса керак, деб ўйлардик. Шундай бўлиб ҳам чиқарди. Сочига алланамалар суртган, юзини оқартириш ва тиниқлаштириш учун

бир нималардан фойдаланиб, гулли кўйлак кийиб олган йигитларни кўриб булар аввалдан шундай юриб-туришга ўрганган, дер эдик. Мана, ўзимизнинг ичимизда ҳам шундай ёшлар пайдо бўляпти-ку. Татуировканию айтмай қўя қолайлик. Қанча гапирилса-да унинг олди олинмади. Баданининг кўринадиган жойларига турли гуллар тасвирини чизиб олганлар биз қатори Ўзбекистонимизда яшаб, олийгоҳларимизда ўқиб юрибди. Уларга бунинг хато экани ҳақида оғиз очсангиз борми, «Бу менинг хоҳишим. Ҳеч кимга зарари тегмагандан кейин истаганимни қилавераман-да. Инсон ҳуқуқлари ҳамма нарсадан устун», дея оғзингизга уради.

Юртимиздаги барча олийгоҳларда талабалардан белгиланган расмий ўқув кийимида бўлиши сўралади. Бироқ деярли барча билим юрғларининг хорижий йўналишларида ўқийдиганларидан бу нарса талаб қилинмаётгандай. Уларнинг кийиниши, узун сочидан ҳам ажратиб олса бўлади. Нима, уларга ҳеч қандай тартиб-қоида йўқми? Ўрим-ўрим сочли йигитлардан нега сочингни пушти, мовийга бўяб олдинг деб сўрашармикин? Балки ўшалар туфайли бошқа ёшлар ҳам «безанаёт-гандир»?

Бу ерда асл айбдор ким? Хулоса қилишдан аввал бироз мулоҳаза юритиб кўришимиз тўғри эмасми? Қиз-аёлларга эркакларга ўхшаб кийинма, ўзбекчилигимизга тўғри келмайди, деб ўзимиз-



ча ақл ўргатардик. Бугун юқоридагидек йигитлар сабаб тилимиз қисилди.

Баҳор яқин. Ҳадемай катта-катта агиргулли футболка ва кўйлак кийган «ўғлон»лар ҳам кўчаларга кўрк кўшиб юра бошлайди. Натижада ҳамма ёшлар ёмонотлик.

Катталарга ҳурмат, бир-биримизга ёрдам кўрсатиш, инсонпарварлик туйғуларидан йироқлашаётган ёшларни ҳам афсуски учратяпмиз. Биз беодоблигимизни ёшликнинг қизиққонлиги десак, катталар қарилкнинг инжиқлиги дейишса, бу каби миллат маънавиятини емирадиган долзарб масалалар учун жавобгарликни ким зиммасига олади?

Камолитдин РЎЗИМАТОВ

## ЎЛИМДАН БОШҚА ҲАММА ДАРДГА ДАВО СЕДАНА


« Имом Муслим ва Имом Бухорий ҳадисларида таъкидланишича, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қора седанада ўлимдан бошқа ҳамма дардларга даво бор», деб марҳамат қилганлар.

Халқ табобатида седана уруғидан тайёрланган дамламани тиш, меъда, юрак оғриқларида, сийдик ҳайдайдиган восита сифатида, шунингдек, болаларда гижжа туширадиган (*сирка билан аралаштириб*) ва ухлатадиган дори ўрнида фойдаланилади. Дамламаси тумов ва томоқ оғриғига қарши дори сифатида ҳам ишлатилади, уни сурги ва эмизикли аёллар сутини кўпайтирадиган восита ўрнида ҳам ишлатса бўлади. Бавосир касаллигини даволашда седана уруғлари кунига 2-3 мартадан ичиб турилади ёки уни вазелин ё бўлмаса мол ёғига қориштириб, малҳам қилиб, сиртга суртилади.

Қадимдан табиблар зотилжам, бронхит, бронхиал астма, сарик касаллиги, ис-

тиско ва кўнгил айниб, қайт қилишда седанадан кенг фойдаланишган. Табибларнинг фикрича, седана одам вужудида тўпланиб қолган ва бир қанча касалликларга сабаб бўладиган ҳар хил хилтларни чиқариб юбориш хусусиятига эга.

Ибн Сино бош оғриғи, юз асаб томирларининг фалажига, кўксеув касаллиги, яъни глаукома ва катарактани даволаш учун седанадан фойдаланган, уни асал билан аралаштириб, ковок ва буйраклардаги тошларга қарши ишлатган. Ибн Сино маълумотларига кўра, седана ўтқир балғам кўчирувчи, тозаловчи, ел ва дамни шимдирувчи, сўгал ва холларни, пес доғларини йўқотишга ёрдам беради, седана уруғлари ковуриб истеъмол қилинса, бавосирга ҳам даво бўлади.



Қадимий ҳинд табобатида седана уруғлари одамни умумий кувватга киргизадиган, сийдик ҳайдайдиган, аёллар сутини кўпайтирадиган восита сифатида, Тибет табобатида эса меъда ва жигар касалликларига даво сифатида ишлатилган.

Ўзбекистонда қора седанининг икки тури ўстирилади. Унинг таркибида сапонинлар, алкалоидлар (*нигеллицин*), липидлар аниқланган.

Замонавий тиббиётда седана ўтидан тайёрланган дамламани юрак ишини маромига келтириш, бронхиал астма ва

сийдик-тош касалликларида фойда бериши аниқланган. Седана бактерия ва цисталарга қарши таъсир кўрсатиш хусусиятига ҳам эга.

Қора седанадан дори тайёрлаш ва ишлатиш усуллари: **Бавосирни даволаш** учун 0,5-1 гр. дан седана уруғи кунига 2-3 маҳал истеъмол қилиб туриш буюрилади.

**Тери касалликларида** вазелин ёки мол ёғига майда янчилган седана уруғини 1:10 нисбатда яхшилаб аралаштириб, малҳам қилиб қўйилади.

Седана ҳовонча ёки кофе-майдалагичда туюлганда тезлик билан асалга аралаштириш лозим. Шунда унинг доривор хусусияти сақланиб қолади. Май ойида олиган асал суяқ бўлганлиги сабабли, седанага яхши аралашади ва седана юмшаб ҳазм жараёни яхшиланади.

Ҳозирда кўп реклама қилинаётган қора седана капсу-

### Унутманг!

Абу Али Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида «Бир гуруҳ табиблар седана ортиқча истеъмол қилинса, у ўлдиради» дейди. Чунки седананинг одам вужудида тўпланиш хусусияти бор.

лаларини истеъмол қилишда мутахасис шифокор билан маслаҳатлашиш мақсадга мувофиқ. Чунки врач ёки табиб сизнинг мизожингиз, ёшингиз, касбингиз, вазнингиз, касалингизнинг тури, ҳатто оилада нечанчи фарзанд эканингизгача – ҳаммасини ҳисобга олади ва организмнинг умумий ҳолатини текширади ва керакли микдорни аниқлайди.

Шунингдек, чет эллардан келаётган қора седана мойи ва капсулаларини жуда эҳтиёткорлик билан истеъмол қилиш лозим. Чунки капсулалар қабул қилинганда, ошқозонда кислотали муҳитда парчаланмасдан, ичаклардаги ишқорий шароитда эриб парчалансади. Бунинг оқибатида организмда дорининг микдори кўпайиб кетиши мумкин.

### Огоҳ бўлинг!

Ушбу мақоладаги барча тавсиялар халқ табиблари ва даволовчи шифокорлар тавсиялари билан бажарилиши зарур.

Акмал МУҲАММАД,  
Марзия СОАТОВА,  
доришунослар

### Диққат!

Фарзандларига асалга аралаштирилган қора седана бераётган ота-оналар шуни унутмасликлари лозимки 10 кун бу дориворни истеъмол қилишгач, 20 кун дам олдиришлари лозим. Бу доривор аралашма болаларда учрайдиган баъзи гижжа каби паразитларга қарши энг самарали усулдир. Лекин кўп микдорда истеъмол қилиш ичак ва ошқозонга ноҳўя таъсир қилиши мум-

кин. Бунда албатта табиб ёки шифокор назорати остида белгиланган микдорда (*дозада*) истеъмол қилиниши лозим! Ёш болаларга мошдек, катталарга нўхотдек микдор, ўртача ҳисобланади.

Гипотониядан (*қон босими тушиб кетиши касаллиги*) азоб чекаётганлар бу доривордан эҳтиёт бўлиб фойдаланиши керак. Ҳомиладор аёлларга тавсия этилмайди, чунки у бачадон қисқаришига сабаб бўлиши мумкин.

## Ижтимоий тармоқлар оралаб...



Дима Қаям

57 мин. · 🌐

## Юз йилдан бери ёзаман...

Бундай аянчли мактаб ва боғчалар кишлоқларда жудаём кўп. Хоналар қишда совуқ, болалар пальтода ўтиради. Китоблар, ўқув қуроллари оз, кимё лабораторияси эртак... ва ҳоказо...



ТВда кўрсатадиган мактабларни кўриб бу ерда ўқиган болаларни қалбидан нима ўтишини биласизларми?.. Фақат аламзадалик ва нафрат!..

Мен мактаблар табақаланишига доим қарши бўлганман! Нега энди палончи мактаб зўр бўлиш керагу, бошқа бир мактаб...

Қачон таъмирланади, десангиз, дастурга кирган ва «ла-ла»...

«Мактаб қурмаганлар кейин қамокхона қуради», деган гап ҳақиқат.

Ўқитувчи ва боғча опаларга «Келинг, мактабингиз, боғчангизнинг ахволини видео қилай», десам кўнмайди. Чунки ҳақиқатни тан олмай, «Тўғри, айбимиз бор», демай, «шеп»лар ўша боғча опа ёки ўқитувчини ишдан ҳайдайди ва муаммо ҳал бўлади... ахвол эса ўзгармайди!



Nuriddin Ziyov Turaqulov

1 ч. · 🌐

## «Меҳрибон» ука

Шифохона ҳовлисидан шовқин кўтариб кирган кишига ҳамма ҳайрон эди. У ичкарига кириб, «Ўртоқ Сафаров шу ердамилар?», – деб ўшқирди. Камига яхши қаранглар, жамиятга керакли одам деб кўшиб қўйди.

– Ээ, хўжайин яхши бўлиб қолдингизми? Зерик-маяпсизми? Бирор нима керак бўлса айтаверинг.

– Раҳмат, Мадаминжон... Менга-ку ҳамма нарса етарли. Шу бўлимда бир бемор туни билан додлаб чикди! Менимча, хабар олгани ҳам ҳеч ким келмаган. Олиб келганларингизни ўша кишига элтиб берақолинг. Савобнинг тагида қоласиз.

– Ахир сизга...

– Бехижолат ука, розиман.

Мадаминжон сал кибр билан, кўкрак кериб, туни билан ухламай чикқан беморни сўраб борди. «Хов, ана дераза олдидаги ўринда ётибди», кўрсатди ҳамшира.

– Биров излаб келадими? Бирови бормикан?

– Хотини олиб келганди. «Шаҳарда танишимиз кўп, аммо манзилини билмаймиз. Мен дориларга пул олиб келаман», деб кишлоққа кетгани.

Ҳамшира беморлар назоратига қарагани кетди. Мадаминжон ҳеч кими йўқ бемордан хабар олгани яқинлашди.

Бемор юзини Мадаминжонга бурганда тутоқиб кетди. «Қани, тез бош шифокорни буёққа чакиринг. Акамга зарур муолажаларни қилсин-чи!..»

Ўтқирбек укаси шифохонага йўқлаб келганидан беҳад шод эди...

## ШОҲЛИКДАН АФЗАЛ НЕЪМАТ

Ҳазрат Алишер Навоий «Ҳайратул аброр» достонида шундай бир ҳикоятни келтирган. Унда «қаноатли жавонмард билан тамагир жаҳонгаштанинг ҳамроҳ бўлгани, бирининг қаноат азобини чекиш туфайли фароғат бойлигига эришгани, иккинчисининг фароғат бойлигига берилганидан хорлик азобига қолгани» баён қилинади.

«Форс ўлкасидан икки ўртоқ Чин мамлакати томон йўл олдилар. Бири азалдан берилганига қаноат қиларди; иккинчиси эса ундан орткини тама этарди. Улар қанчадан-қанча йўлларни босиб боришаркан, йўл бўйида бир оддий тош учраб қолди. Унинг ярми ерга кирган, ярми ташқарида бўлиб, ташқаридаги қисмига ажойиб бир гап ўйиб ёзилган эди. Ёзилган хатни улар ўқишди:

— Кимки қийинчиликка бардош бериб, тошнинг орқа томонини ағдарса, унда бир афсона ёзилган. Ўша афсонага кўра, шу атрофда бир вайрона бор. Вайронанинг тагида эса ажойиб бир хазина бор.

Машаққатига чидаган ўша хазинага эга бўлади. Кимки бу машаққатдан йироқлик истаса, сабру қаноат ҳаммадан яхшироқдир.

Тамагир буни ўқигач, бесаранжом бўлиб, тамагирлик томирлари қаттиқ ура бошлади. Хазина ҳавасида тишлари ғижирлаб, тошнинг тагини қазिशга тушиб кетди. Қаноат қилувчи унинг бу ишини кўриб, парво қилмасдан ўтиб кетди. У деди:

— Бу нақадар машаққатли меҳнат! Қаноат хазинаси менинг ҳамроҳимдир. Кимга Тангри эҳсон бермоқчи бўлса, тош ўз-ўзидан ёрилиб, унинг остидаги эҳсон ўз эгасини топиши мумкин.

У йўлга тушиб, тонг отгунча юрди, эрталаб қараса, бир шаҳарнинг четига келиб қолибди. Шаҳарга қирадиган йўл кўп экан. У шу шаҳарга биринчи бўлиб кирди. У дарвозага яқинлашиб борганида, ҳар томондан одамлар чопиб кела бошлади. Бу ер аҳолисининг расми бўйича, подшоҳ мангулик юртига сафар қилган бўлса, шаҳар

халқидан буни сир тутишар экан. Саҳар вақтида ким шаҳарга олдин кирса, уни тахтга ўтқазиб, бошига тож кийдириб, қўлига узук тақишар экан. Ўша расм бўйича, уни ҳам давлат кишилари ва аскарлари мамлакат ва сипоҳ устидан подшоҳ қилиб кўтардилар.

Бошига машаққатни ортиб олган дўсти бўлса, бойлик ҳавасига берилиб, меҳнат билан ўз жонини роса қийнади, тошни бошқа томонига айлангирди. У ерда ёзилган хатга қараб, уни ўқиди: «Ким хомтама бўлса, у дунёда доим азобда», деб ёзилган экан.

Уни қаноат мамлакатга подшоҳ қилди; бунга тамагирлик азоби хорзор этди.

Эй Навоий, бировдан уч пул тама қилма: ўзингда бор бўлса, уни бошқага берсанг, шу қарамдир.

Эй соқий, мен сенинг бодангдан тамаъ қиламан, холос. Бу озод одамдаги очкўзлик ва тамани йўқотади. Унинг бир қултуми билан мени йўлга бошла; қаноат мулкига шоҳ қил!»

## ПАЗАНДАЛИК

## МАККАЖЎХОРИЛИ САЛАТ

Ўзингизни сабзи, маккажўхори ва бодрингли фойдали салат билан сийланг. Бундай салат мазали ва тўйимли бўлиб, шунингдек витаминларга ҳам бойдир. Қолаверса, тайёрланиши кўп вақтни талаб қилмайди.

## Масалликлар:

250 грамм қизил сабзи, 150 грамм консерваланган маккажўхори, 200 грамм бодринг, 100 грамм кўк пиёз, 60 грамм маёнез, таъбга кўра туз ва мурч.

## Тайёрланиши:

Сабзини қирғичнинг со-



монча шаклидаги тишидан ўтказамиз ва маккажўхори соламиз. Бодрингни сомонча шаклида, кўк пиёзни оқ жойига кўшиб, думалоқ шаклда тўғраймиз. Барча масалликларни идишга солиб, таъбга кўра туз ва мурч сепамиз. Маёнез солиб, аралаштирамиз. Салатни идишларга солиб, дастурхонга тортамыз. Ёқимли иштаҳа!

Ситора ОМОНОВА

## ЎТҚИР НИГОҲ



Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.

## ИНТЕЛЛЕКТ

## НЕГА БОЗОР КУНИ?

Ҳафта кунларидан ҳар бирининг номи бор. Лекин якшанба куни халқ орасида «бозор куни» деб ишлатилиши машҳур. Бунга кўпчилик ўша куни дам олиш сифатида белгиланганини сабаб деб ўйлайди. Аслида бунинг расмий асоси ҳам йўқ эмас.

**Савол:** Ҳафтанинг яқинида куни нега айнан «бозор куни» деб юритилади?

**Жавоблар келгуси ҳафтанинг чоршанба кунига қабул қилинади.**

Электрон манзил: info@od-press.uz Telegram: (+998 97) 444-80-84

Газетамизнинг 2021 йил 28 январь 4-сонидан берилган саволнинг жавоби: **Изқувар келганида пол одатдагидек тозалаб қўйилган, хатто шиша синиклари ҳам супуриб олинган эди. Шу боис у кела солиб, эр-хотинни ўғирликда айблади.**

## Эълонлар

ЎзДЖТУ томонидан 2004 йилда Насирова Гўзал Ялқуновнага берилган В № 152873 рақамли диплом (рўйхат рақами 885/04) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

2014 йилда Юнус Ражабий номли Тошкент педагогика коллежи томонидан Ибрагимовна Саодат Хайрулла кизи номига берилган 1267-сон билан рўйхатга олинган К№ 4880646 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши; Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши; «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси; «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти; «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси; Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган. Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

## Бош мухаррир

Ҳуснидин  
БЕРДИЕВ

## Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-227  
ISSN 2181-6190  
Обуна индекси — 193  
Адади: 1 282 нусха.  
Нархи: келишув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Оффсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00

